




ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСИ АМАЛДА: ИШСИЗ АҲОЛИ БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА



Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раислигига жорий йилнинг 8 июнь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида “Энди катта тизимга ўтяпмиз. Ерни ҳақиқий эгасига – халқа берамиз” дега таъкидланиб ўтган эдилар. Мазкур йиғилишда ғалладан бўшаган ер майдонлари эҳтиёжманд, реал даромад манбаига эга бўлмаган ва ишсиз аҳолига дехқончилик билан шуғулланиш учун ижарага бериш ташабbusи илгари сурилган эди.



Ушбу эзгу ташабbasга доирасида Қумқўрғон туманида ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш, эҳтиёжманд оиласаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида такрорий экин учун ер ажратиш ишлари қизиғин тарзда олиб борилмоқда.



Туманинг 1-сектор худуди, “Азиза, Асал, Жасмина”фермер хўжалиги даласида бўлиб ўтган семинарда айни мақсадлар ўз амалий ифодасини топди. Семинарда туман ҳокими Р.Гаппаров бошчилигида сектор раҳбарлари, фермерлар, дехқончилик билан шуғулланишни истовчи “Аёллар ва Ёшлар”дафтарига киритилган, ишсиз фуқаролар иштирок этди.

Мазкур фермер хўжалигининг 50 гектар ғалладан бўшаган ер майдонларидан “Аёллар ва ёшлар дафтарлари” ва “Темир дафтар”да рўйхатга олинган, ишсиз ҳисобланган 112 нафар фуқарога 20 сотихдан ажратиб берилди.